



"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Фарғона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Кўштепа тумани Хумдон МФЙ худудида яшовчи ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида куйидаги ишларни бажарилиши тавсия этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Кўштепа тумани Хумдон МФЙ ахолисини бир кунлик сув сарфи  $240\text{ m}^3$  хисобланиб, уланиш нуқтаси 1 Хумдон МФЙ Бахт кўчасида жойлашган сув иншооти худудида лойиха асосида 1 дона янги тик ичимлик суви кудуғи қазиш, 1 дона янги замонавий сув насоси ўрнатиш, 1 дона сув минораси ўрнатиш, 1 дона ТП ўрнатиш ва хаво линяси тортиш, 1 дона сувни заарсизлантириш ускунаси, 1 дона электр хисоблагич, 1 дона бошқарув шити, 1 дона автоматик ўчириб ёкиш ускунаси ўрнатиш, 1 дона электрон сув хисоблагич ўрнатиб, муҳофаза деворини  $20\text{m}^2$  кисмини янгилаш ва таъмилаш хамда сим тўсиқлар ўрнатиш, хизмат йўлакларини асфалтлаш хамда ички ёритиш тизимини куриш, 1 дона янги темир дорвоза ўрнатиш лойиха ва гидравлик хисоб китобларига асосан Хумдононбод, Келажак, Нурафшон, Боғбонлар кўчаларига 6.5 км ичимлик суви кувири тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш, курилиш монтаж ишлари ШНҚ, ҚМҚ хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармокларини курилиш-монтаж ишлари даврида бошка мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармокларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиша тажрибали лойиха институтларини жалб килган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, курилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари курилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета хужжатлари "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур курилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ томонидан қабул килинмайди.

Барча курилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган куидан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ

Кўштепа тумани бўлими бошлиғи:

Бош мухандис:



Б.Тўхлибоев

Г.Тўхрасинов